

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Tariyx.

ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ЭТНОГРАФИЯСИНІНГ МАХАЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРИТИЛИШИ ХОЛАТИ
(илк босқич)

М.А.Абдуллаев – мустақил изланувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: қорақалпоқ халқи, этнографик билимлар, экспедициялар, мустақиллик даври, илк тадқиқотлар, юрта.**Ключевые слова:** каракалпаки, этнографические знания, экспедиции, период независимости, ранние исследования, юрта.**Key words:** Karakalpak, ethnographic knowledge, expeditions, period of independence, early studies, yurta.

Қорақалпоқлар этнографиясини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларнинг Марказий Осиё маданий маконидаги ўрнини аниқлаш, йиллар давомида ўзлигини сақлаб қолишига оид тадқиқотларни таҳлил қилиш орқали, нафақат ушбу халқнинг ўзи, балки ўзбеклар ва бошқа қардош халқларни ҳам этник тарихини чуқур англаш имкони пайдо бўлади. Шу сабабли, қорақалпоқларнинг мустақиллик йилларида этнографик ўрганилишини тарихшунослик жиҳатидан таҳлил қилиш, соҳадаги мавжуд муаммолар, ўтган давр давомида эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш ва келажақдаги тадқиқот режалари тузишда муҳим ҳисобланади.

Қорақалпоқ халқининг этнография жиҳатдан чуқур ўрганиш Совет давлати даврида айниқса ривожланди. Аввало қорақалпоқ аҳолиси тўғрисидаги статистик маълумотлар тўплай бошланган бўлса [1], XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб қорақалпоқларни этнографик экспедициялар воситасида ўрганиш ишлари жадаллашди [2]. 30-йиллардан халқнинг этнографик ўрганишига оид илк йирик тадқиқот нашрлари чоп этила бошланди [3].

XX асрнинг 40-йилларидан Иккинчи Жаҳон уруши бошлангани муносабати билан илмий тадқиқотлар сони ва қўлами чекланиб, фақатгина урушдан кейинги йилларда тиклана бошлади [4]. 1945-1955 йиллар давомида Қорақалпоқ этнографик гуруҳи томонидан катта ҳажмдаги экспедициялар ташкил этилиб, кўплаб олимлар ушбу жараёнга ўз ҳиссасини қўшган. Жумладан, Т.А.Жданко, Б.В.Андрианов, М.В.Сазонова, К.Л.Задыхина, Н.П.Лобачева, С.К.Камалов, Р.К.Косбергенов, У.Х.Шалекенов каби тадқиқотчилар иштирок этиб [5:5-16], ўз дала маълумотларини нашр этиш орқали қорақалпоқ этнографиясини янада бойишига ҳизмат қилган. Бундан ташқари, А.С.Морозова [6], Т.А.Жданко, У.Х.Шалекенов, Л.С.Толстова [7:29-46] томонидан 60-йилларга қадар қорақалпоқлар ҳўжалиги, кундалик ҳаёти ва моддий маданиятига оид илмий тадқиқотлар, диссертация ишлари ҳимоя қилиниб, нашрлар чоп этилишда давом этди.

XX асрнинг 60-80-йилларида қорақалпоқ халқининг этнографик жиҳатдан ўрганилиши янада ривожланишига замин ҳозирланди. Яъни, 1959 йил 25 июлда ЎзССР Фанлар Академиясининг Қорақалпоқ филиали ташкил этилиши тўғрисида буйруқ чиқди, бу эса соҳа ривожини учун катта туртки бўлиб ҳизмат қилди. Бу даврда қорақалпоқларнинг умумий этнос сифатида шаклланиш тарихини бутунлигича ёки унинг турли босқичларини тадқиқ қилиш кучайди. Ушбу даврда ижод қилган бир қанча тадқиқотчилар фаолиятини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, С.К.Камалов [8, 9], Р.Косбергенов, К.Сарыбаев, У.Х.Шалекенов, А.Бекмуратова, М.К.Нурмухамедов, Х.Есбергенов ва Т.Атамуратов, А.Джалилов каби тадқиқотчилар фаолияти қорақалпоқлар этнографиясининг турли жиҳатларини ўриштиришда муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу даврда қорақалпоқлар тарихига бағишланган йирик монографик тўпламнинг нашр этилиши [10], халқ тўғрисида етарлича кенг маълумотлар тўпланганидан далолат беради.

Албатта, қорақалпоқ халқи этнографиясига оид тадқиқотлар юқоридагилар билан чекланиб қолмайди. Совет давлати даврида улар етарли даражада ўрганилган. Аммо ўша давр сиёсий талабига асосан, мафкуравий ғоялар сингдирилган тадқиқотлар ҳам кўп учрайди. Бу тадқиқотларнинг фақатгина этнографик жиҳатларини олинган тақдирда, унинг аҳамияти юқорилигича қолади. Ушбу даврни қисқа экскурс қилишдан кўзланган мақсад эса, мустақиллик даврига қадар ушбу халқ этнографиясига оид ўзи қандай маълумотлар асоси тўплангани, унинг ҳолати ва мамчиликларини очиб бериш эди.

Мустақиллик нафақат Ўзбекистон, балки Қорақалпоғистон учун ҳам янги имкониятлар эшигини очиб берди. Ушбу халқ тарихи ва этнографиясини қайта таҳлил қилиш, ўрганиш ва саралаш имконияти юзага келди. Мустақиллиكنинг дастлабки йилларида кузатиладиган ҳолат, яъни аввалги тадқиқот йўналишлари ва фаолиятини деярли ўзгаришсиз давом этиши ҳолати Қорақалпоғистондан ҳам кўзга ташланади. Чунки узоқ йиллар давомида тоталитар таъсир остида яшаб, ҳаётнинг барча жабҳаларини марказдан белгилашга ўрганилган ҳолатда, истиқлолга эришилмоқда ва энди барча соҳада, шу жумладан, этнографияда ҳам тадқиқот йўналишини давлатнинг ўзи белгилashi лозим бўлиб қолди. Натижада Ўзбекистонда ҳам, Қорақалпоғистонда ҳам мустақиллиكنинг дастлабки йилларида тадқиқот йўналишлари деярли ўзгаришсиз давом этиб келган.

1991 йил тўртинчи чорагидан бошлаб, қорақалпоқ этнографиясининг тадқиқ этилиши бир нечта асосий йўналишда кечди:

- Биринчиси, миллий анъана ва қадриятларни сақлаб қолиш, тиклаш ва асраш масаласи (асосан оила ва тарбия мисолида);
- Иккинчиси, қорақалпоқ тили ва унинг бошқа тиллар билан ўхшаш ва фарқли томонлари масаласи;
- Фольклор ва халқ ижодини тиклаш ва асраш масаласи.

Жумладан, биринчи масала доирасида 1991 йилда И.М. Сагдян, В.И.Басилов, Х.Е.Есбергенов, 1992 йилда М.Низаматдинов, 1993 йилда Р.С.Камалова, Х.Е.Есбергенов ва б.; Иккинчи масала доирасида 1991 йилда Ф.А.Шарифуллина, Е.Т.Изимбетов, М.Даўлетов, Т.Кенжабаева, Г.Жумашева, 1992 йилда А.Бекбергенов ва б.; Учинчи масала доирасида 1992 йилда Н.А.Баскаков [1:124-129], А.Пирназаров, Б.Қалимбетов, 1993 йилда Ж.Бердиев ва б. мақола ва тадқиқот натижалари чоп этилган.

Юқоридаги тадқиқот ишлари таркиби ва мавзумидан англашиладики, истиқлолнинг дастлабки уч йилида изланишлар асосан қорақалпоқ тили ва алабиёти, фольклор ва турли урф-одатлар доираси билан чекланган. Яъни, тадқиқотчилар имкон қадар сиёсат билан боғлиқ бўлмаган, халқни ўзига ҳослиги билан алоқадор мавзуларни олиб чиқишга интиланлар. Бу даврда қорақалпоқ халқининг халқ сифатида шаклланиши, ўзлигини англаши, ривожланиш босқичлари билан боғлиқ изланишлар деярли учрамайди.

1994 йилдан бошлаб қорақалпоқларнинг диний қарашлари ва эътиқодларига оид изланишларни учратиш мумкин. Чунончи, Ю.В.Кнозоров [11:91-96] мақоласида Мазлумхон-сулу номи билан боғлиқ шомонийлик маросимининг ўтказилишига доир маълумотлар келтирилади. Маросимни 36 ёшли Хўжайлидан келган қорақалпоқ пўрхон (шомон) ўтказди. Эътиборли томони, маросимда 100-120 нафар иштирокчи бўлиб, уларнинг аксарият қисми аёллар ва болалардан ташкил топган. Тадқиқотчи берган маълумотлар муҳим бўлиб, асосий жиҳати, исломий зикрнинг шомонлик маросими билан синкретик ҳолатни ташкил этгани, қадимий анимистик қарашлар исломий дуолар билан жўрликда олиб борилиши ҳисобланади.

Ушбу мақоладан ташқари, бу даврда қорақалпоқ тили ва адабиётига доир изланишлар нашр этиб турилган. Аммо соф қорақалпоқ этнографиясига доир тадқиқотлар ҳали-ҳамон жуда кам чоп этилар эди. Бу ҳолат бир неча муаммолар, жумладан, истиқлолга эришилгандан сўнг ҳали аниқ йўналишни белгилаб олинмагани, этнограф мутахассислар етишмаслиги, дала тадқиқотларининг ўтказилмагани сабабидан бўлиши мумкин.

1995 йилда Н.А.Тлеубергеновнинг қорақалпоқлар моддий маданиятига доир мақоласи чоп этилди [12:104-109]. Мақола ўзининг таҳлилий жиҳатлари билан ажралиб туради. Аввалига қорақалпоқлар юртасига доир манба ва адабиётлар тарихшунослик таҳлили, сўнг уларнинг ўзбек (О.Сухарева, А.Писарчик, К.Задихина), қирғиз (К.Антипина), туркман (Г.П.Васильева), козоқ (А.Маргулан) ва ноғай (С.Гаджиева) уйларида фарқлари ҳақида тажрибий маълумотлар келтирилган. Тадқиқот асосини эса 1989-1994 йилларда Хўжайли, Тахтақўпир, Чимбой туманлари ва Нукус шаҳридан тўпланган дала материаллари ташкил этади. Бу эса ишнинг илмий қиймати ва этнографик аҳамиятининг ошишига хизмат қилган.

Н.А.Тлеубергенова қорақалпоқ юртасига доир тадқиқотларини давом эттириб, бошқа мақоласида қорақалпоқларнинг юрта билан боғлиқ маросимлари ва эътиқодларини ўрганган [13:101-110]. Х.Есбергенов ва А.Толеубаевдан фарқли равишда, тадқиқотчи юртанинг рамзий ва рухий атрибут сифатидаги аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Унинг қорақалпоқлар кундалик ҳаёти, тўй маросимлари, турли урф-

одатларни амалга оширишдаги ўрнини дала тадқиқотлари асосида аниқлаб, очиб бера олган.

1996 йилда Н.А.Тлеубергенова томонидан қорақалпоқ юртасига бағишланган навбатдаги, учинчи мақоласи чоп этилди [14:93-101]. Ушбу мақола ўз вақтида Т.А.Жданко, А.С.Морозова, У.Шалекенов ва бошқаларнинг тадқиқотларида акс этган маълумотларни қайта таҳлил қилиш, ўзгаришларни аниқлаш, анъанавийлик ва бошқа Марказий Осиё халқлари билан ўхшаш томонларини ўрганиш учун хизмат қилди. Олима имкон қадар юрта ичидаги барча жиҳозларнинг жойлашган ўрни, ҳар бирининг аҳамияти, уларни безаш ва тикишда ишлатиладиган рангларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишга ҳаракат қилган.

1996 йилда нашр этилган бир нечта мақолаларда қорақалпоқ ёшларининг маънавий-тарбиявий ишларига катта эътибор қаратилганини учратиш мумкин. Мисол учун, С.К.Камалов, Х.Е.Есбергенов, М.А.Карлыбаев, Р.С.Камалова, Т.Х.Есбергенова мақолалари шулар жумласидан.

Юқоридаги илмий фаолият ва уларнинг натижалари шуни кўрсатадики, қорақалпоқ этнографиясига оид тадқиқотлар 1991-1994 йиллар оралиғида ўзининг биринчи босқичини ўтказган. Ушбу босқичда эътибор асосан қорақалпоқ тили, адабиёти ва халқ ижодини таҳлил қилишга қаратилган. Ушбу босқичда бир неча илмий тадқиқотларни (Х.Е.Есбергенов, М.Низаматдинов) ҳисобга олмаганда, деярли этнографик тадқиқотлар ўтказилмаган ва унинг натижалари чоп этилмаган. Шу сабабдан, биринчи босқични (1991-1994) – “дастлабки тайёргарлик даври” – деб номланса, хато бўлмас.

Қорақалпоқ этнографиясини ўрганишдаги иккинчи босқич 1995 йилдан бошланиб, бу даврда қорақалпоқлар моддий ва маънавий маданиятига доир изланишлар сони орта бошлади. Жумладан, қорақалпоқларнинг анъанавий уйлари, уларни безаш, жиҳозлаш билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар, эътиқод масаласи, ёшлар тарбияси каби масалалар Х.Е.Есбергенов, Н.А.Тлеубергенова ва бошқа тадқиқотчилар томонидан амалга оширилди. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, иккинчи босқични – “дастлабки этнографик изланишлар даври” – деб номлаш мумкин.

Адабиётлар

1. Баскаков Н.А. К истории каракалпакской художественной литературы // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. – №1. – Нукус: 1992. – С. 124-129.
2. Есбергенов Х. Қоңырат (тарийхый-мәдений естеликлер). – Нөкис: 1993.
3. Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса. / Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. – М.: 1952, т. I. – С. 461-566.
4. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.-Л.: АН СССР, 1950.
5. Жданко Т.А. Этнографическая разведка в Чимбайском районе Каракалпакской АССР / Краткие сообщения Института этнографии, 1947, вып. 2. – С. 5-16.
6. Морозова А. С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX века (К вопросу этногенеза). Автореф. Дис. канд. ист. наук. – Ташкент: 1955.
7. Толстова Л.С. Из истории ферганских каракалпаков (к вопросу о переселении). Ученые записки КК ГОСПИ. – Нукус: 1957. – С. 29-46.
8. Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII–XIX веках. – Ташкент: «Фан». УзССР, 1968.
9. Камалов С.К. Каракалпаки в Хивинском ханстве до присоединения к России. Автореф. Дис. канд. ист. наук. – М., 1953.
10. История Каракалпакской АССР в 2-х томах. – Ташкент: «Фан», 1974.
11. Кнозоров Ю.В. Шаманский зикр в подземелье Мазлумхан сулу // ЭО, 1994. – №6. – С. 91-96.
12. Тлеубергенова Н.А. Истоки традиционного деления внутреннего пространства юрты каракалпаков // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. – №3. – Нукус: 1996. – С. 93-101.
13. Тлеубергенова Н.А. Некоторые обряды и верования каракалпаков связанные с юртой // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. – №4. – Нукус: 1995. – С. 101-110.
14. Тлеубергенова Н.А. Этнокультурные аспекты юрты // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. – №2. – Нукус: 1995. – С. 104-109.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада қорақалпоқ этнографиясининг совет даврида асосларининг яратилиши, ўлка халқларига оид экспедицияларнинг ўтказилиши ва илк этнографик тадқиқотларни нашр этилиши, шунингдек, мустақиллик даврида қорақалпоқ халқи этнографиясига оид изланишларнинг бошланиши, уларнинг асосий йўналишлари ва натижалари ҳақида маълумот бериб ўтилган.

РЕЗЮМЕ. В статье даны сведения о становлении этнографии каракалпаков в советский период, проведении экспедиций и публикации первых этнографических исследований народов страны, а также о начале исследований по этнографии каракалпаков в период независимости, их основных направлениях и результатах.

SUMMARY. This article provides information about the foundation of Karakalpak ethnography in the Soviet period, conducting expeditions and publishing the first ethnographic studies of the peoples of the country, as well as the beginning of research on the ethnography of the Karakalpak people in the period of independence, their main directions and results.

АМЕТ ВА АЙИМХАН ШАМУРАТОВАЛАР УЙ-МУЗЕЙИ ТАРИХИ

У.Хужаниязов – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: мустақиллик, қонун, уй-музей, зал, сайёҳлар, музей маданияти, музей фонди, санъат асарлари, адабиёт, маданий мерос.

Ключевые слова: независимость, закон, дом-музей, зал, туристы, музейная культура, музейный фонд, произведения искусства, литература, культурное наследие.

Key words: independence, law, house-museum, hall, tourists, museum culture, museum fund, works of art, literature, cultural heritage.

Музейларнинг халқимиз маънавий-маърифий камолотини ва ёш авлод маънавиятини шакллантиришдаги ўрни бекиёсдир. Музейларга ташиф буюрган каттаю кичик ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахслар, халқимиз томонидан яратилган бетакрор маданий-маънавий мерос ҳақида кенг тасаввурга эга бўлади. Шу боис юртимизда ёшлар орасида музейларга саёхатларини уюштириш ва бу масканларда турли мавзулардаги маънавий-маърифий кечаларни ташкил қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда юртимизда музейларига давлат аҳамиятига эга бўлган маданият ва маърифат соҳалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Мустақиллик йилларида музейлар ишини яхши ташкил қилиш, уларни ҳар хил экспонатлар билан жиҳозлаш, бойитиш, унинг аҳоли орасидаги нуфузини орттириш мақсадида кўплаб қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Музейлар тўғрисида”ги ЎРҚ-177-сонли Қонуни, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 23 ноябрдаги “2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси музейларининг инклюзивлиги дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 19 декабрдаги “2020-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасида музейлар фаолиятини такомиллаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қабул қилинган ҳужжатларини кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича юртимизда 134 та музей фаолият юритган, улардаги экспонатлар сони эса 2158,4 тани ташкил қилган [1].

Мазкур музейлар юртимизнинг узоқ тарихини ҳикоя қилувчи, ота-боболаримиз босиб ўтган йўллар ҳақида маълумот берувчи, маданий ва миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳақида қизиқарли маълумотлар оладиган маданий-маърифий муассасалар ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон диёридаги музейлар халқимизнинг ўзлигини англашига, Ватанимиз тўғрисида ҳаққоний тасаввурларни уйғотишга, ёш авлодни ўз тарихи билан гурурланишга, уларни маънавий-маърифий тарбиялашга хизмат қилувчи, руҳан покланишга чорлайдиган масканларга айланиб бормоқда.

Давлатимиз мустақиллиги йилларида республикада бир қанча янги музейлар ташкил қилинди. Шундай

музейлардан бири – Қорақалпоқ маданиятининг атоқли санъаткори Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Халқ артисти Айимхан Шамуратова ва ёзувчи, давлат арбоби Амет Шамуратовлар уй-музейидир.

Айимхан Шамуратова юртимиз маданияти таракқиётида катта аҳамиятга эга бўлган инсондир. У қорақалпоқ миллий қўшиқчилик ва қорақалпоқ театри санъатининг юксалиши ва ривожланишига салмоқли улуш қўшган ҳамда қорақалпоқ миллий маданияти тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор талант соҳибидир. У ўзининг 76 йиллик умрининг 60 йилини саҳнага бағишлади. У ҳаёти давомида театр саҳналарида 100 дан ортиқ образлар яратган, хонанда сифатида 200 дан ортиқ қўшиқлар қуйлаган.

Айимхан Шамуратова ўзининг маданият соҳасидаги самарали меҳнати ҳамда қорақалпоқ миллий қўшиқчилик ва театр санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун 1940 йили “Қорақалпоғистон халқ артисти”, 1950 йили “Ўзбекистон халқ артисти”, 1968 йили “СССР халқ артисти” унвонларини олишга муяссар бўлган [3].

Халқимиз манаъвиятини юксалтиришга, қорақалпоқ халқ маданияти ва қорақалпоқ театр санъатининг ривожланишига қўшган улкан хизматлари учун 2004 йили Ўзбекистон Республикаси Президентини фармони билан “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Ордени музей директори яъни, актрисанинг кизи Айимгул Шамуратовага топширилди. Бугунги кунда ордени музей экспозициядан жой олган [4].

Амет ва Айимхан Шамуратовлар уй-музейи Нукус шаҳрининг марказида жойлашган бўлиб, у Шамуратовлар фарзандлари томонидан шахсий маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган юртимиздаги биринчи хусусий музейлардан биридир.

Одатда уй-музейлар бир неча йўналишларга бўлинади. Масалан, адабиёт йўналишидаги уй-музей, йирик фан олимларига бағишланган уй-музей, ёки мусиқа йўналишидаги уй-музей ва бошқалар.

Қорақалпоқ диёрида жойлашган Амет ва Айимхан Шамуратовлар уй-музейи адабиёт ва мусиқа йўналишидаги уй-музейидир.

Музейнинг тантанали расмий очилиш маросими 1999 йили октябрь ойида бўлиб ўтди. Очилиш маросимида маҳаллий ҳокимият мутасаддилари, маданият ва санъат номоёндалари, шоир ва ёзувчилар ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашишди. Мазкур уй-музей ташкил қилинган вақтда экспозиция зали 1 та бўлган бўлса бугунги кунда 4 залдан иборат, экспонатлар сони эса музей ташкил қилинган вақтда 300 га яқин бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу ерда 3500 дан ортиқ экспонат мавжуд. Бу экспонатларнинг